# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2010 йил — Баркамол авлод йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 16-FEVRAL, SESHANBA, 19 (7636) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Дастурхонимизни безаб, танимизга қувват бағишловчи хуштаъм, тансиқ таомлардан баҳраманд бўлганда, бу ноз-неъматларларни етиштирган деҳқонлар, хусусан, чорвадорларга нисбатан ҳам миннатдорлик ҳиссини туямиз. Зотан, уларнинг сермашаққат меҳнати таҳсинга лойиқдир.




Айни пайтда "Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли корхоналарда уруғлик чигит тайёрлашга алоҳида эътибор берилялти. Вилоятдаги олти мингдан ортиқ фермер хўжаликларига сифатли уруғ етказиб бериш, бунинг учун эса 8,5 минг тонна чигитни тайёрлаш зарур бўлади.



АҚШда юнон-рум кураши бўйича ўтказилган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Элдор Ҳафизов 55 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди ва мавсумдаги дастлабки олтин медалини қўлга киритди.

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда



## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши таълим тизимидаги ислоҳотларни янги, янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди. Дастурга биноан юртимизнинг барча жойларида, жумладан, Фарғона вилоятида ҳам ўтган давр мобайнида юзлаб мактаблар биноси янгидан қурилди, реконструкция қилинди, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди, замонавий талаблар даражасида қайта жиҳозланди. Айни вақтда бу борадаги кенг қамровли ишлар давом этаётир.

**Суратларда:** *Фарғона шаҳридаги 27-умум таълим мактаби ўқувчилари машғулот пайтида;*

*Қувасой шаҳридаги 1-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кўринишлари;*

**Муқимжон Қодиров (ЎзА) олган суратлар**




## ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга оид қарори илмий-тадқиқот ишларини амалиётга самарали қўллашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси олимларимиз кенг кўламда илмий изланишлар олиб бораётганини намоён этаётир.

Урганч давлат университети профессор-ўқитувчиларининг ҳам қатор инновацион ишланма ва ғоялари иқтисодиётнинг реал тармоқларида самарадорликни оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида ўтган йили университет олимлари тақдим этган 14 лойиҳа юзасидан корхона ва ташкилотлар билан бир миллиард 348 миллион сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланди.

— Олимларимиз ишлаб чиққан "Корнет" ва "Премод" номли зангга қарши препаратлар импорт ўрнини босиши, тайёрланиш технологияси соддалиги ва таннархи арзонлиги билан ажралиб туради, — дейди Урганч давлат университети ректори, биология фанлари доктори Рўзимбой Эшчонов. — Мазкур лойиҳа 2008 йилги ярмаркада энг юқори ўнта илмий иш қаторидан жой олди. Университетимизнинг кимё-технология факультети профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган "Корхона оқова сувларини рангсизлантириш ва нейтраллашнинг технологик регламентини яратиш" мавзуидаги лойиҳа "Урганч бахмали" масъулияти чекланган жамияти вакилларида катта қизиқиш уйғотди ва корхона билан уч миллион сўмлик шартнома тузилди.

Олимларимиз яратган "Саноат конструкцияларини ҳимоялаш учун шиша асосдаги антикоррозион материаллар" мавзуидаги инновацион ишланмани Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармасида амалиётга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. "Узлуксиз пластик брусларни кесиш қурилмаси", "Хоразм вилоятида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш" сингари лойиҳалар бўйича ҳам ўндан ортиқ корхона ва ташкилот билан келишувга эришилди.

Урганч давлат университети томонидан ўтган йилги ярмаркага тақдим қилинган инновацион лойиҳаларнинг тўрттаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури томонидан молиялаштирилди.

— БМТ Тараққиёт Дастурининг гранти ҳисобига университетимиз ўқув-тажриба хўжалигининг бир ярим гектар майдонида индигофера ўсимлигини парваришламоқдамиз, — дейди ёш тадқиқотчи Ғайрат Ёқубов. — Унинг афзаллиги шундаки, воҳамизнинг иқлим шароитига мос ва тупроқ шўрланишининг олдини олади. Ундан экологик тоза ва сифатли табиий бўёқ олиш мумкин. Индигоферани етиштириш, унинг биотехникаси, тупроқ унумдорлигини яхшилашдаги таъсирини илмий асосда ўргандик. Ушбу ўсимликнинг "Феруз-1" навини яратиш, ўстириш агротехникаси ва ундан бўёқ олиш биотехнологиясига доир инновацион лойиҳамиз патент олиш жараёнида.

Айни кунларда университет олимлари март ойида бўладиган навбатдаги ярмаркада 25 инновацион лойиҳа билан иштирок этишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Уларнинг салмоқли қисмини "Хоразм воҳаси шароитида тежамкор технология асосида ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш", "Ерларни лазер нивелирида текислаш" лойиҳалари каби қишлоқ хўжалиги техника ва технологияларига оид ишланмалар ташкил этади.

**Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири**

Сирдарё вилояти

**Сирдарё туманидаги "Турон-Равнақ-Барака" чорвачилик фермер хўжалигида 69 бош Бушуев зотли қорамол бор. 33 бош сигирдан шу йил февраль ойигача 23 бош соғлом бузоқ олинди. 13 бош наслли мол сотилди.**

## Фермернинг наслли моллари

Чорвачилик фермер хўжалигида, айниқса, тўйимли озуқа етиштириш намунали йўлга қўйилган. 55 гектар озуқа етиштириладиган майдоннинг 37 гектарини бедазор ташкил этади. Қишлов учун беда, сомон ва дағал хашак жамғарилганди. Айни пайтда қорамоллар боқуви қатъий ветеринария талаблари даражасида олиб борилмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент вилояти

## МУЛКДОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

**Пойтахт вилоятидаги бошқа ҳудудларга қараганда Қуйи Чирчиқ туманининг тупроқ-иқлим шароити мураккаблиги билан изоҳланади. Шу боис агросаноат мажмуи тармоқларида мўл маҳсулот етиштиришнинг ўзи бўлмаяпти: аксарият экин майдонлари насослар орқали суғорилади. Бу қийинчиликлар омилкорлик билан енгиб ўтилмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар жорий қилинганлиги туфайли мулкка эгалик ҳисси фермер хўжаликларини яхши натижаларга эришишига имкон беряпти. Таҳлилларға назар ташланса, туман давлатга пахта ва дон сотиш шартнома топшириғини вилоятда биринчилар қаторида адо этаётганлиги кўринади. Бунда мулкдорлар шижоати билан бирга уларнинг ҳамкорлари кўмаги муҳим ўрин тутмоқда.**

Дала юмушларини техникасиз тасаввур этиш қийин. Илгари агротехник тадбирлар хўжалик ҳисобидан умумлашган ҳолда бажариларди. Ҳозир эса МТПлар мулкдорларга хизмат кўрсатмоқда. Ширкат даврида ҳар гектар учун кетган сарф-харажатлар ўртача 64 минг сўм, агар ёнилғи ва эҳтиёт қисмлар билан қўшиб ҳисоблаганда 76-82 минг сўмни ташкил этарди. Ҳозир эса 50-53 минг сўмдан ошмаяпти. Фақат шунинг ўзидан туман МТПси хизмат кўрсатаётган 180 та фермер ўтган йил якунида салкам 650 миллион сўмдан зиёдроқ тежамкорликка эришди. Бундан ташқари, далага ишлов бериш сифати яхшиланганлиги ҳосилдорликнинг ортишига замин яратяпти. Фермерлар кейинги уч йилда ғалла ва пахта ҳосилдорлигини 6-8 центнерга оширишга эришишди.

Инфратузилма

Туман МТП раиси муовини Нодирхўжа Холхўжаевнинг таъкидлашича, механизатор ва ҳайдовчилар замонавий техника воситаларини бошқаришга ихтисослаштирилмоқда.

— Ўтган мавсумда фермерларга шартнома асосида 684 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилди. 2 та "Магнум-255" техникалари сотиб олдик. Таъмирлаш, пайвандлаш ва чилангарлик цехлари кенгайтириляпти, — дейди у.

Дарҳақиқат, ҳамкорлик ҳар икки томон учун манфаат келтирмоқда. МТП томонидан кузги ва қишки дала юмушлари муддатида, сифатли қилиб уддаланди. Бундан аввало, мулкдорнинг кўнгли тўқ, баҳорда тўғридан-тўғри экишни бошлаб юбориши учун шароит ҳозирланган. Ҳозиргача 180 та культиватор, 1560 та борона, 97 та сеялка ва бошқа воситалар тўлиқ бутланиб, мавсумга тайёр қилиб қўйилди.

Булардан ташқари, туман ҳудудида 15 та муқобил МТПлар бор. Гапнинг рости, улардаги техника воситалари ҳали етарли даражада эмас. Шу боис имконият даражасида уларга ҳам таъмирлаш, эҳтиёт қисмлари етказиб беришда ёрдам кўрсатилмоқда.

— Дала юмушларини доимо адо этишда техникага таянамиз, — дейди "Истиқбол" фермер хўжалиги раҳбари Шодибек Мамараимов. — Ҳозирча ўз техникамизга эга эмасмиз. Туман МТПси билан ҳар йили шартнома қиламиз. Хизмат кўрсатиш соҳасида узилишлар бўлмаяпти. Шундан бўлса керак, йилдан-йилга ҳосилдорлик ортмоқда, — дея таъкидлайди у.

Айни пайтда марказий МТПда техника воситаларини таъмирлашнинг сўнгги жараёни бормоқда. Шу билан бирга 2010 йил учун мулкдорлар билан шартномалар ҳам тузиляпти. Ҳозиргача тумандаги 210 та фермер хизмат кўрсатилиши бўйича мурожаат қилишган. Бу ўтган даврдагидан 30 тага кўп дегани.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган вилояти

## Қўшимча даромад манбаи

**Норин туманида деҳқон хўжалигидан, томорқалардан оқилона фойдаланиш бўйича кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги барча туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, тажрибали деҳқонлар иштирок этди.**

— Туманимиздаги деҳқон хўжаликларида, томорқаларда сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришда ўтган йили яхши кўрсаткичларга эришилди, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Аъзамжон Султонов. — Норинликлар орасида деҳқончиликнинг турли соҳаларида ўзига хос мактаб яратиб, томорқачиликдан мўмайгина даромад топаётган миришкор инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Мисол учун чангитмалик Абдуғаффор ота Раҳмонов томорқасида цитрус мевалари етиштираётган бўлса, учтепалик Маҳмуджон ота Турсунов редискачилик билан шуғулланади. Етмиш ёшли Келдибой ота Ҳасанов эса картошкачиликдан мўл-кўл ҳосил етиштирмоқда. Яна бир тадбиркор Алишер Раҳимов "Абдуғани орзу-ниятлари" фермер хўжалигини ташкил этиб, фермер хўжалиги тасарруфида балиқчилик хўжалигига ҳам асос солганди. Ўтган йили аҳоли истеъмоли учун икки тоннадан ортиқ балиқ етиштиришга эришиб, шу соҳанинг ўзидан икки миллион сўм соф даромад олди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

## ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

***Нукус шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида 2009 йилда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари муҳокама қилинди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов бошқарди.***

Йиғилишда асосий эътибор Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 январда бўлган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ўтган йил давомида Инқирозга қарши чоралар дастури асосида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари таъминланиб, иқтисодиётнинг бир қатор тармоқларида сезиларли натижалар қўлга киритилди. Хусусан, ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,2 фоиз ўсгани қайд этилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,2 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш 13,6 фоиз ортди.

2009 йилда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида бешта лойиҳа амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 10,6 фоиз ошди. Йил давомида 9 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қилинди. Иқтисодиётга жалб этилган хорижий инвестициялар миқдори 2008 йилга нисбатан беш баравар кўпайди, аҳолининг реал даромадлари 30,7 фоиз ўсди. Бандлик дастури асосида 48 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Мажлисда ютуқлар билан бир қаторда, айрим соҳаларда бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани таъкидланди. Айрим йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ўсиш суръати пасайиб кетди. Банк, молия, коммунал, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилмади.

Фаоллар йиғилишида 2010 йилда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, инвестицияларни кенгроқ жалб этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари юзасидан мутасадди раҳбарлар зиммасига тегишли вазифалар юклатилди. Шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида амалга ошириладиган устувор вазифалар, ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б.Хўжаев сўзга чиқди.

**А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири**


Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

